

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди**  
**№ МО 10-204**  
**2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва**  
**ўрта махсус таълим вазирининг**  
**2020 йил “ 7 ” декабрь даги**  
**648 - сонли буйруғи билан**  
**тасдиқланган.**

**“Ўзбек тили филологияси: ўзбек тилшунослиги”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ**  
**ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ**  
**МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

*2020 йил 30-октябрдаги 6- сонли баённомаси билан маъқулланган.*

- Тузувчилар:**
- “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов, т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев
  - “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули: и.ф.д., проф. Р.Нурибетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н., доц. М.Дехканова
  - “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов
  - “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.
  - “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева, У.Гиясова, Ш.Файзуллаева.
  - “Мутахассислик фанлари” модули: ф.ф.д., проф. Б. Менглиев, ф.ф.д., доц. М. Ҳакимова, ф.ф.д., доц. Ё.Одилов, ф.ф.н., доц. Н. Саидрахимова, ф.ф.ф.д., PhD. Н.Абдурахмонова.
- Такризчилар:**
- ф.ф.д., доц. С.Нормаматов – ТДЎТАУ.
  - Хорижий эксперт:** ф.ф.д., проф. Э.Ушенмез – Истанбул университети (Туркия), ф.ф.д., проф. Х.Кораш – Нигде Умар Холис Димер университети (Туркия).

*Ўқув дастури Ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли баённома).*

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли, 2020 йил 29 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 40-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, “blended learning”, “flipped classroom” технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар**

1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

1.3. Педагогнинг касбий профессионалигини ошириш.

### **II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш**

2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.

2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

### **III. Мутахассислик фанлари**

3.1. Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий муаммолари.

3.2. Антропоцентрик тилшуносликнинг йўналишлари.

3.3. Тилшуносликнинг замонавий йўналишлари: ассоциатив тилшунослик.

3.4. Семантиканинг долзарб муаммолари.

3.5. Тил технологияси.

3.6. Лингвомаданиятшунослик

### **IV. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар киради:

– “Ўзбек тили филологияси: ўзбек тилшунослиги” йўналишида педагог кадрларнинг жаҳон миқёсидаги талабларга мувофиқ илмий ва илмий-педагогик фаолияти янада такомиллаштириш;

- мутахассислик йўналишларида ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- ўзбек тилшунослиги фанларини ўқитишга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интерфаол усулларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- ўзбек тилшунослиги фанларини ўқитишни халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштириш;
- “**Ўзбек тили филологияси: ўзбек тилшунослиги йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.**

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- ўзбек анъанавий академик грамматикасини;
- антопосентрик тилшунослик йўналишларини;
- ассоциатив тилшуносликнинг асосий тушунчаларини, таҳлил методларини;
- машина таржимаси технологиясини;
- ўзбек тилшунослигида лингвокультурология соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва истиқболдаги вазифаларини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- ўзбек тилшунослигининг назарий босқичлари, ютуқлари, муаммолари ва уларнинг ечимига доир тавсияларни ишлаб чиқиш;
- илмий парадигмаларни фарқлаш;
- бадий матннинг ассоциатив майдони, ассоциатив майдоннинг ядро ва чегара қисмлари муносабатини тўғри қўллаш олиш;

– машина таржимаси технологияси бўйича илғор тажрибалардан фойдаланиш;

– лингвомаданиятшуносликда лакуна муаммоси бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш;

– педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

– ўзбек тилини формал ва субстанциал ўрганиш натижалари ва оқибатларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

– лисоний ва нутқий ҳодисаларни лингвокултурологик, когнитив, социолингвистик аспектда таҳлил қила билиш;

– метафораларда ва миллий-маданий меъёрларни ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;

– тезаурус яратишнинг лингвистик масалаларини таҳлил қилиш асосида илмий-назарий хулосалар чиқариш;

– миллий-маданий концепт ва унинг ўзига хос хусусиятларини фарқлай олиш;

– ўзбек тилида фразеологик энантиосемия нинг турларини фарқлай олиш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

– ўзбек анъанавий ва формал тилшунослиги талқинидан четда қолган муаммоларни таҳлил қила олиш;

– тил бирликларини лингвистик таҳлил қилишнинг анъанавий ва янгича усулларини фарқлаш;

– ассоциатив тажриба натижаларининг лингвистик ва статистик таҳлил қила олиш;

– оғзаки матнлар билан ишловчи (Praat va boshqalar) технологиясидан фойдалана олиш;

– тиллараро энантиосемик таҳлил қилиш;

– семантик муносабатларни яратишда концепт тушунчасини қиёсий таҳлил қилиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори

ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“ЎЗБЕК ТИЛИ ФИЛОЛОГИЯСИ: ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

### **I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР**

#### **1.1. Кредит модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.**

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари

дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

## **1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лойиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида наشر фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Science тизимлари асосида такомиллаштириш.

## **1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.**

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), махсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREAM – таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

## **II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

### **2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.**

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

### **2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.**

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи

тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиш) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқ-овқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордиқ, телефонда суҳбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

### **III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ**

#### **3.1. Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий муаммолари.**

Ўзбек тилшунослигининг назарий босқичлари, ютуқлари, муаммолари ва уларнинг ечимига доир тавсиялар. Ўзбек тилидан амалий фойдаланишнинг зарурий масалалари, йўналишлари, методологияси ва натижалари. Она тили ўқитиш методикаси ва уни ўқитишда грамматик маълумотлар мазмуни, таълим мақсади, усули, воситалари, йўллари. Ўзбек тилини формал ва субстанциал ўрганиш натижалари ва оқибатлари. Ўзбек анъанавий академик грамматикаси. Ўзбек тили илмий талқинида ўзга тиллар қолипларига таянишнинг ижобий натижалари ва салбий оқибатлари. Ўзбек субстанциал тилшунослиги. Лисон ва нутқнинг фарқланиши. Лисон система сифатида. Нутққа система сифатида қаралмаганлиги. Ўзбек анъанавий ва формал тилшунослиги талқинидан четда қолган муаммолар. Ўзбек амалий тилшунослиги. Мақсади, вазифалари, йўналишлари. Ўзбек тили ва сунъий интеллект. Ўзбек тилини моделлаштириш муаммолари. Она тили таълими мазмуни ўзбек амалий тилшунослиги объекти сифатида. Таълимда лисон, шахс, нутқ муносабати. Таълида грамматик минимум ва максимум.

### **3.2. Антропоцентрик тилшуносликнинг йўналишлари.**

Тилни тадқиқ этиш парадигмалари, уларнинг тавсифи ва қиёсий таҳлили. Тилга антропоцентрик ёндашувнинг моҳияти. Антропоцентрик тилшуносликнинг вужудга келиши, ўрганиш объекти, асосий тушунчалари. Антропоцентрик тилшуносликнинг этакчи йўналишлари. Тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва жамият муносабати масалалари таҳлили. Когнитив тилшунослик, унинг асосий тушунчалари. Антропоцентрик тилшуносликнинг этакчи йўналишлари. Концептуал таҳлил асослари. Лингвомаданият, унинг асосий тушунчалари, тадқиқот йўллари, бу борадаги изланишлар. Социолингвистика, унинг асосий тушунчалари, бу борадаги илмий изланишлар. Лингвоперсонология, унинг асосий тушунчалари. Бадиий матнни антропоцентрик таҳлили. Социолингвистикада саводхонлик муаммоси. Тил сиёсати ва лисоний вазиятлар. Ўзбекистондаги тил сиёсатини даврлаштириш. Шўролар давридаги тил сиёсати. Мустақиллик давридаги тил сиёсати. Социолингвистик методлар. Ўзбек тилшунослигида антропоцентрик йўналишда бажарилган илмий ишлар таҳлили. Бу йўналишдаги истқболли вазифалар.

### **3.3. Тилшуносликнинг замонавий йўналишлари: ассоциатив тилшунослик.**

Тилни ўрганишнинг тарихий-қиёсий, систем-структур ва антропоцентрик йўналишлари, уларнинг моҳияти ва фарқли жиҳатлари.

Тилга ассоциатив ёндашувнинг шаклланиш тарихи. Ассоциатив тилшуносликнинг назарий масалалари. Ассоциатив муносабат тушунчаси. Тилда вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, лингвистик моҳияти. Вербал ассоциациялар таснифи. Ўзбек тилида вербал ассоциациялар таснифи. Ассоциатив майдон назарияси. Бадиий матннинг ассоциатив майдони, ассоциатив майдоннинг ядро ва чегара қисмлари муносабати. Ассоциатив тажриба методи, уни ўтказиш методикаси. Ассоциатив тажриба натижаларининг лингвистик ва статистик таҳлили.

Лексик ассоциацияларнинг лингвистик омиллар асосида ҳосил бўлишига доир таснифлар: лексемалар семантикаси, лексик-грамматик белгиси, диалектал, услубий, прагматик белгисига асосланган ассоциация. Лексемаларнинг ясалиши, талаффузда ҳам оҳанглиги, миллий-маданий, ижтимоий ҳамда гендер хусусиятларига асосланган ассоциация.

### **3.4. Семантиканинг долзарб муаммолари.**

Тил ва тафаккур муносабати. Тафаккурнинг миллийлиги. Тилда зиддиятнинг ифодаланиши. Лисоний зиддият ва миллий тиллар. Тилнинг

идиоэтик табиати ва энантиосемик маъноларнинг пайдо бўлиши. Энантиосемия – универсал лингвистик ҳодиса. Энантиосемиянинг лексик мақоми. Тилнинг ижтимоийлиги. Ижтимоий омилларнинг сўз семантикасига таъсири. Лисоний номувофиқликнинг энантиосемия билан муносабатдорлиги. Тил сатҳлари ва уларнинг лисоний зиддиятга муносабати. Ўзбек тилида энантиосемияни воқелантирувчи бирликлар, зиддиятнинг нутқий намоён бўлиши: антифразис, ирония, эвфемия ва дисфемия. Ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари, тушунчани қарама-қарши томондан аташ ва баҳолаш. Зид маънолилиқка синхроник ва диахроник ёндашув. Тилда миллий-маданий коннотациянинг акс этиши. Ўзбек тилида фразеологик энантиосемиянинг турлари. Тил ривожини таъминловчи омиллар. Тиллараро таъсирлашув. Қариндош ва ноқариндош тилларда энантиосемия. Тиллараро энантиосемияни тавсифловчи терминларга шарҳ.

### **3.5. Тил технологияси.**

Тил технологияси курсига кириш. Технология турлари. Тил ва нутқ технологиясини қайта ишлашда компьютер лингвистикаси ва NLP. Машина таржимаси технологияси. Таржима хотираси. Параллел корпус. Wordfast, SmartCat технологиялари билан ишлаш. Корпус технологияси. Корпус таксономияси. Корпус яратишда лингвистик инструментлар. AndCons дастури. Компьютер лексикографияси. Тезаурус. Тезаурус яратишнинг лингвистик масалалари. Семантик тўр ва маълумотлар базаси билан ишлаш. Онтология. Семантик муносабатларни яратишда концепт тушунчаси. Нутқий синтезатор. Праат дастури билан ишлаш.

### **3.6. Лингвомаданиятшунослик.**

Лингвомаданиятшунослик тарихи, фаннинг объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари. Лингвомаданиятшуносликнинг асосий йўналишлари. Лингвомаданиятшунослик методологияси ва методлари. Лингвомаданиятшуносликнинг асосий терминлари. Лингвомаданий бирликлар ва уларнинг моҳияти. Лингвомаданий бирликларнинг таҳлили. Лингвокультурема – лингвомаданиятшуносликнинг асосий тушунчаси ва асосий бирлиги сифатида. “Оламнинг лисоний манзараси” тушунчаси. Концептнинг лисоний воқеланиш жараёни. Миллий-маданий концепт ва унинг хусусиятлари. Лингвомаданиятшуносликда лакуна муаммоси таҳлили. Ўзбек тилшунослигида лингвомаданиятшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва истиқболдаги вазифалар. Ўхшатишлар ва уларнинг лингвомаданий фразеологик бирликларнинг лингвомаданиятшунослик

хусусиятлари. Меторо маданият кўрсаткичи сифатида. Рамз ва етреотикларнинг қиёсий лингвомаданиятшунослик тавсифи.

#### **IV. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қуйидаги шакллари ўз ичига олади: очик ўқув машғулоти ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиладилар ҳамда кафедра аъзолари

иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс ўтказди. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;

- ўқув машғулотларининг ҳар хил турлари (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;

- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фақатгина бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябр “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябр “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябр “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябр “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январ “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 40-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

20. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

21. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Hook 1, 2.

22. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

23. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B. Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari. – T.: “O‘zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. – 192 b.

24. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. – 175 pp.

25. Lutfullayeva D.E. Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers’ word stock // Современные научные исследования и разработки. – Москва: “Олимп”, 2017. – №. 2. – P.10-13.

26. Lutfullayeva D.E. The role of associative dictionaries in the study of the problems of human phenomenon // Lang Lit An International Peer-Reviewed Open Access Journal. – India, 2017. February. – P.191-200.

27. Mitchell H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.

28. Mitchell H.Q. Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM

Publications. 2015. 191.

29. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. – 176 pp.

30. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

31. Usmanova Sh. Lingvokulturologiya. – Toshkent: TDO‘TAU, 2019. – 245 b.

32. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. – 350 pp.

33. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. – T.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2015. – 572 b.

34. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

35. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: монография. – М.: МАКС Пресс, 2016. – 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

36. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Ишмухамедов Р., Нормухаммедова М. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази”, 2019. – 312 б.

37. Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида АЁЛ концептининг лингвокогнитив тадқиқи: филол.фан.ном. ...дисс. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2012. – 24 б.

38. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими: методик қўлланма. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. – 112 б.

39. Игнатова Н.Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)

40. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2014. – 60 б.

41. Каримова В.Л., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы. – Т.: “Aloqachi”, 2017. – 256 с.

42. Киселев Г.М., Бочкова Р.В. Информационные технологии в педагогическом образовании. – М.: “Дашков и К”, 2018. – 304 с.

43. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: филол.фан.ном. ...дисс. – Т.: ЎзДЖТУ, 2009. – 25 б.

44. Махмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: “Mumtoz so‘z”, 2017. – 176 б.

45. Маҳмудов Н. Зиддият ва жуфт сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2014. – № 5. – Б. 3-9.
46. Маҳмудов Н. Зиддият ва маъно тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2014. – № 3. – Б. 18-25.
47. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
48. Неъматов Н., Менглиев Б. Тилшуносликнинг фалсафий масалалари. – Тошкент, 2015.
49. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
50. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдғорликлари. 100 жилдлик. I-VIII жилдлар. – Т.: “Ғафур Ғулом”, 2016.
51. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юрларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Т.: “Tafakkur”, 2020. – 120 б.
52. Ҳакимов М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. – Тошкент: “Akademnashr”, 2013. – 174 б.
53. Ҳудойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2015. – 41 б.

#### IV. Интернет сайтлар

54. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
55. <http://lib.bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази миллий кутубхонаси
56. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
57. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
58. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
59. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
60. <https://www.onestopenglish.com/methodology-tips-for-teachers/teaching-materials-using-literature-in-the-efl/-esol-classroom/146508.article>
61. <https://www.amazon.com/Teaching-Literature-Language-Online-Options/dp/1603290567>

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази  
Директор \_\_\_\_\_ Т.Т.Шоймардонов  
“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 й.  
М.Ў.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини  
оширишни ташкил этиш ҳамда  
мувофиқлаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ Ф.Т.Эсанбобоев  
“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 й.  
М.Ў.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбек тили ва адабиёти университети  
Ректор \_\_\_\_\_ Ш.С.Сирожиддинов  
“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 й.  
М.Ў.

Ўзбек тили ва адабиёти университети  
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш  
ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ  
маркази  
Директор \_\_\_\_\_ З.И.Мирзаева  
“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 й.  
М.Ў.

